



**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ**  
**ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРИНИНГ**  
**БУЙРУҒИ**

2016 йил “30” май

№ 219

Тошкент ш.

**2016/2017 ўқув йили**  
**қабулини юқори савияда**  
**ташкил этиш тўғрисида**

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги ПҚ-2534-сон қарори ижросини таъминлаш ва республика олий таълим муассасаларига 2016/2017 ўқув йилида талабалар қабулини юқори савияда ўтказиш мақсадида

**Б У Ю Р А М А Н :**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги ПҚ-2534-сон қарори раҳбарлик ва ижро учун қабул қилинсин.

2. Олий таълим муассасалари ректорларига:

2.1. 2016/2017 ўқув йили қабулини юқори савияда ўтказиш бўйича тадбирлар режасини 3 кунлик муддатда ишлаб чиқиш ва унинг бажарилишини таъминлаш;

2.2. Олий таълим муассасаларининг ректор раислигида ташкил этиладиган қабул комиссиялари таркибини тажрибали, ҳалол, пок, масъулиятли профессор-ўқитувчи ва ходимлардан шакллантириш;

қабул комиссияларининг тасдиқланган таркибининг ҳар бир аъзосига юклатилган вазифаларини талаб даражасида бажарилишини таъминлаш;

абитуриентлар ҳақида маълумотлар тайёрлаш, касбий (ижодий) имтиҳонлар натижаларини расмийлаштириш, жамлаш ва тақдим этишга масъул ва ижрочи ходимларга йўл қўйиладиган хатоликлар оқибати ва жавобгарлик тўғрисида батафсил тушунтириш ва йўриқномалар беришни ташкил этиш;

2.3. Абитуриентлар томонидан Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июнда 118-сон қарори билан тасдиқланган Олий таълим муассасаларининг бакалавриати (магистратураси)га талабаларни қабул қилиш тартиби тўғрисидаги Низомларда кўрсатилган ҳужжатлар тақдим этилган ҳолларда, олий

таълим муассасасининг қабул комиссияси ҳужжатларни қабул қилишни рад этишга ҳақли эмаслиги ва ушбу масъулият қабул комиссияси раиси ва масъул котибининг зиммасига юклатилишини таъкидлаб ўтиш;

2.4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 31 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуроли кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчиларга бериладиган имтиёзлар тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-213-сон ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2012 йил 31 майдаги “Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучлари сафида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб бўлган фуқароларга имтиёзлар тизимини такомиллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1765-сон Қарорларида белгиланган вазифалардан келиб чиқиб:

муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқаролар учун бепул асосида ташкил этилган тайёрлов курсларида абитуриентларни олий таълим муассасаларига ўқишга киришга самарали тайёргарлик кўришларини таъминлаш тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш;

тайёрлов курсларини зарур услубий қўлланмалар ва дарсликлар билан таъминлаш, ўқув машғулотларини олиб бориш учун юқори малакали, кўп йиллик педагогик тажрибага эга бўлган профессор-ўқитувчиларни жалб этиш;

таълим йўналишиларига мос тест синови фанлари мажмуаси бўйича ўқув машғулотлари ва маслаҳатлар жадвалини тузиш;

тайёрлов курслари машғулотларига қатнаётган муддатли ҳарбий хизматни ўтаган тингловчилар тўғрисида маълумотларни Олий таълим муассасалари бош бошқармасига ҳафтанинг ҳар жума кунлари жорий йилнинг 20 июлига қадар тақдим этиб бориш;

2.5. Қабул комиссиялари фаолият кўрсатадиган жойларни қабулга оид меъёрий ҳужжатлар, статистик маълумотлар, янгиланган касбга йўналтирувчи тарғибот-ташвиқот лавҳалари, фанлар бўйича дастурлар, маслаҳатлар жадвали, эълонлар ва бошқа зарур маълумотлар билан жиҳозлаш;

2.6. Олий таълим муассасалари ректорлари, проректорлари ва жамоат ташкилотлари раҳбарларининг абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарини қабул қилиш жараёнига бўлган масъулиятини кучайтириш;

фуқаролар қабулини жой, кун ва соатлари аниқ кўрсатилган жадвалга қатъий риоя этган ҳолда ўтказишни таъминлаш;

2.7. Абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш даврида абитуриентлар ва уларнинг ота-оналарига овқатланиш ва хордиқ чиқаришлари учун қулай шарт-шароитларни яратиш;

2.8. Олий таълим муассасалари ҳудуди ва қабул комиссиялари фаолият кўрсатаётган жойларда навбатчиликни ташкил этиш, ҳуқуқ-тартибот органлари билан ҳамкорликда бегона шахсларнинг пайдо бўлишига йўл қўйдирмаслик, зарур бўлган ҳолларда ҳуқуқ-тартибот органлари вакилларига хабар бериб тегишли чораларни кўриш;

қабул жараёнида қабул комиссиялари фаолият кўрсатаётган ва тест синовлари ўтказилиши белгиланган бинолар яқинига транспорт воситаларини қўйишни тақиқлаш;

мазкур бинолар ҳудудда шубҳали буюмлар, ҳатти-ҳаракатлар аниқланган ҳолларда зудлик билан ҳуқуқ-тартибот органларига маълум қилиш;

2.9. Олий таълим муассасалари талабаларининг кириш синовларида ноқонуний иштирок этишини олдини олиш мақсадида Кадрлар бўлиmidан талабаларнинг ҳужжатларини асоссиз чиқармаслик чораларини кўриш;

2.10. Абитуриентларни олий таълим муассасасининг таълим йўналишлари, уларда талабаларнинг билим олиш, яшаш ва бўш вақтларини фойдали ўтказишлари учун яратилган шароитлар билан таништириш мақсадида таълим йўналишлари ва мутахассисликлар бўйича кўргазмалар ташкил этиш;

мазкур тадбирлар кўргазмали тарғибот ва оммавий-ахборот воситаларида кенг ёритилишини йўлга қўйиш;

2.11. Касбий (ижодий) имтиҳонлар ўтказилиши белгиланган фанлар бўйича предмет комиссиялари раисларининг рўйхати идоравий тасарруфига қараб вазирлик (идора) билан келишилган ҳолда жорий йилнинг 25 июнигача Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тасдиқлаш учун тақдим этишни таъминлаш;

Касбий (ижодий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар бўйича дастур ва баҳолаш мезонларини ишлаб чиқиш ва 2016 йилнинг 5 июлига қадар тасдиққа киритиш;

ижодий (касбий) имтиҳон ўтказиладиган фанлар дастури, абитуриентлар билимини баҳолаш мезонлари, консультациялар ва имтиҳонлар жадвалини қабул комиссиялари эълонларида ёритиш;

2.12. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 18 июндаги 118-сон қарори билан тасдиқланган “Олий таълим муассасаларига кўзи ожиз абитуриентларни қабул қилиш тартиби”га мувофиқ кўзи ожизлар гуруҳига кирувчи қўйидаги тоифадаги абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш:

махсус мактаб-интернатлар томонидан кўзи ожизлар учун берилган етуклик аттестатига эга шахслар;

имконияти чекланган шахслар учун ихтисослашган касб-ҳунар коллежлари томонидан кўзи ожизлар учун берилган дипломга эга шахслар;

9 йиллик кўзи ожизлар махсус мактаб-интернатда ўқиган ва 3 йиллик ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаси дипломига эга бўлган шахслар;

ўрта таълим (11-синф базасида) ҳужжати ёки академик лицей (касб-ҳунар коллежи) дипломига эга бўлган кўзи бўйича 1-гуруҳ ногиронлиги тўғрисида белгиланган тартибда берилган шаклдаги маълумотномасига эга бўлган абитуриентлар;

2.13. Абитуриентлардан қабул қилинган ҳужжатлар ҳақидаги маълумотларни (иловада келтирилган 1-8 шакллар бўйича)

2016 йил 20 июндан бошлаб мунтазам равишда, белгиланган муддатларда соат 18<sup>00</sup> гача «Абитуриент-2016» Ахборот марказига **abiturient@edu.uz** электрон манзил бўйича (формат - Microsoft Excel 2003) тақдим этиш ва қуйидаги телефонлар бўйича олий таълим муассасалари Қабул комиссиялари масъул ходимлари томонидан тасдиғини олиш: 246-38-55, 246-01-69);

бу борада олий таълим муассасалари Қабул комиссиялари масъул котиблари масъулиятини кучайтириш;

2.14. Тест синовлари ўтказиладиган бино ва аудиторияларни белгиланган талаблар асосида тайёрлаш;

2.15. Республика ҳудудида қонуний фаолият юритаётган олий таълим муассасалари, шу жумладан республикада таълим фаолияти билан шуғулланиш учун рухсати (лицензияси) мавжуд бўлган хорижий олий таълим муассасалари ва уларнинг филиаллари ҳақидаги расмий маълумотлар билан абитуриентларни таништириш вазифалари топширилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасаларининг бакалаврият ва магистратурасига ҳужжатларни қабул қилиш, ижодий (касбий) имтиҳонлар натижалари ҳамда қабул яқунлари тўғрисидаги статистик маълумотларни тўплаш, таҳлил қилиш учун Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги қошида жорий йилнинг 20 июнидан 20 сентябригача фаолият кўрсатувчи «Абитуриент-2016» Ахборот маркази ташкил этилсин.

4. «Абитуриент-2016» Ахборот марказининг ишчи гуруҳи қуйидаги таркибда тасдиқлансин:

- |                     |  |
|---------------------|--|
| 1. Ражабов Б.Ж.     | - Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари |
| 2. Авазов Ш.М.      | - Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бўлим бошлиғи      |
| 3. Абдукаримов Р.А. | - Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бўлим бошлиғи      |
| 4. Каримов Э.К.     | - Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бош мутахассиси    |
| 5. Бабашев Ф.А.     | - ОАВ билан алоқалар учун масъул                             |
| 6. Далиев Ш.Х.      | - Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бош мутахассиси    |
| 7. Қиличев Э.С.     | - Олий таълим муассасалари бош бошқармаси бош мутахассиси    |

5. Ишлар бошқармаси (А.Арзиматов)га жорий йилнинг 15 июнига қадар «Абитуриент-2016» Ахборот марказини замонавий компьютер техникаси, нусха кўчириш-факс аппарати («МФУ»), канцелярия моллари ҳамда зарурий иш юритиш ускуналари ва сарфланадиган материаллар (папкалар, қоғоз, факс қоғози, картридж) билан ўз вақтида таъминлаш вазифалари топширилсин.

6. Тошкент архитектура-қурилиш институти ва Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ректорларига жорий йилнинг 20 июнидан 20 сентябрга қадар «Абитуриент-2016» Ахборот маркази ихтиёрига биттадан замонавий компьютер (принтери билан) ва малакали операторни жўнатиш вазифаси топширилсин.

7. Абитуриентлар томонидан олий таълим муассасаси қабул комиссиясига топшириладиган аризалар бланклари Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2015 йил 11 июндаги 1-2015-сон буйруғи (Адлия вазирлигида 2015 йил 19 июнда 2686-сон билан Давлат рўйхатидан ўтказилган) билан тасдиқланган шакллари мувофиқ нашриётларда чоп этилсин ва ушбу шаклларга қатъий риоя этилган ҳолда абитуриентлар аризалари белгиланган тартибда қабул қилинсин (аризалар шакллари илова этилади).

8. Олий таълим муассасалари бош бошқармаси (И.Маджидов)га: республика олий таълим муассасалари қабул комиссияларининг ишини ташкил этишда амалий ва услубий ёрдам кўрсатиш;

таянч олий таълим муассасалари томонидан ижодий (касбий) имтиҳонлар ўтказиладиган фанлар бўйича тасдиқланган ягона дастур ва баҳолаш мезонларини тегишли олий таълим муассасаларига етказилишини ташкил этиш;

абитуриентлардан бакалавриат ва магистратурага ҳужжатларни қабул қилиш жараёни мониторингини юритиш;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 26 майдаги “2016/2017 ўқув йилида Ўзбекистон Республикасининг олий таълим муассасаларига қабул тўғрисида”ги ПҚ-2534-сон қарори билан янги очилган таълим йўналишлари ва мутахассисликларини Олий таълим йўналишлари ва мутахассисликлари Классификаторининг тегишли таълим соҳасига киритиш бўйича, шунингдек “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари таълим йўналишлари рўйхати ва тест бўйича уларга мувофиқ келувчи фанлар мажмуаси”нинг тегишли бўлимида уларга мос келувчи тест синови ўтказиладиган фанлар мажмуасини белгилаш юзасидан таянч олий таълим муассасаларидан бир ҳафта муддатда таклифларни олиш;

зарур ҳолатларда вазирлик ходимларини хизмат сафарига жўнатиш ҳақида таклифлар киритиш вазифалари топширилсин.

9. «Абитуриент-2016» Ахборот марказининг ишчи гуруҳига: республика олий таълим муассасалари бўйича абитуриентлардан ҳужжатларни қабул қилиш тўғрисидаги кундалик ва 5 кунлик таҳлилий маълумотларни мунтазам равишда вазирлик раҳбариятига тақдим этиш топширилсин.

10. Ушбу буйруқ ижросининг назоратини ўз зиммамда қолдираман.



В.А.

А. Вахабов



1-шакл

**2016/2017 ўқув йилида олий таълим муассасалари бакалавриати бўйича абитуриентлардан тушган аризалар ҳақида  
МАЪЛУМОТ**

сана “\_\_” \_\_\_\_\_ 2016 й.

№	ОТМ номи	Қабул режаси (к/м.с.)	Тушган аризалар сони (ўқитиш тиллари бўйича)								шу жумладан, муддатли ҳарбий хизматни ўтаб, ҳарбий қисм қўмондонлигининг тавсияномаси билан ҳужжат топширган абитуриентлар сони						Танлов кўрсаткичи (кон-курс)	
			ўзбек		рус		Жами		2016 йил жами	2015 й. шу кунга жами	ўзбек		рус		Жами			
			кунд.	махсус сиртқи	кунд.	махсус сиртқи	кунд.	махсус сиртқи			кунд.	махсус сиртқи	кунд.	махсус сиртқи	кунд.	махсус сиртқи		

Изоҳ: 1-шакл ҳар куни соат 18<sup>00</sup> гача тақдим этилади.

2-шакл

**2016/2017 ўқув йилида олий таълим муассасаларининг таълим йўналишлари бўйича абитуриентлардан тушган аризалар ҳақида  
МАЪЛУМОТ**

сана “\_\_” \_\_\_\_\_ 2016 й.

№	Олий таълим муассасаси, таълим йўналиши (бакалавриат таълим йўналишлари шифрлари, номлари ва ёзилиш кетма-кетлиги ПҚ-2534-сон Қарорда кўрсатилган тартибга тўлиқ мос бўлиши талаб этилади)		Қабул режаси (к/м.с.)	Тушган аризалар сони (ўқитиш тиллари бўйича)													
	шифри	номи		Жами	ўзбек		рус		Жами								
					кундузги	махсус сиртқи	кундузги	махсус сиртқи	кундузги	махсус сиртқи							

Изоҳ: 2-шакл ҳафтанинг жума кунлари ҳамда 15, 18, 19, 20 июль кунларида тақдим этилади.

**2016/2017 ўқув йилида олий таълим муассасаларига абитуриентлардан тушган аризалар хақида  
МАЪЛУМОТ**

сана “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2016 й.

№	Олий таълим муассасаси номи	Ижодий (касбий) имтиҳон топш.				Олимпиада фолиблари				Муддатли харбий хизмат				Кўзи ожизлар				Етим/1-2 гуруҳ ногирон				Лотин имлосида тест топширадиганлар
		ўзб.		рус ва бошқ.		ўзб.		рус ва бошқ.		ўзб.		рус ва бошқ.		ўзб.		рус ва бошқ.		ўзб.		рус ва бошқ.		
		к.	м.с.	к.	м.с.	к.	м.с.	к.	м.с.	к.	м.с.	к.	м.с.	к.	м.с.	к.	м.с.	к.	м.с.	к.	м.с.	

Изоҳ: 3- шакл ҳафтанинг жума кунлари ҳамда 20 июлда тақдим этилади.

**2016/2017 ўқув йили қабулида вилоятлар кесимида абитуриентлардан тушган аризалар хақида  
МАЪЛУМОТ**

сана “\_\_\_” \_\_\_\_\_ 2016 й.

№	Олий таълим муассасаси	Режа	ҚҚР	Анд.вил.	Нам.вил.	Фар.вил.	Бух.вил.	Хор.вил.	Сурх.вил.	Қаш.вил.	Жиз.вил.	Нав.вил.	Сам.вил.	Сир.вил.	Тош.вил.	Тош.шах.	Ҳориж давл.	Жами

Изоҳ: 4-шакл ҳафтанинг жума кунлари ҳамда 20 июлда тақдим этилади.

**2016/2017 ўқув йилида олий таълим муассасаларидаги абитуриентларнинг миллий таркиби ҳақида  
МАЪЛУМОТ**

сана “ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2016 й.

№	Олий таълим муассасаси	Жами	ўзбек	қора-қалпоқ	рус	қозоқ	қирғиз	тожик	туркман	корейс	татар	украин	арман	озарбай-жон	уйғур	белорус	бошқа миллат

Изоҳ: 5-шакл 20 июлда тақдим этилади.

**2016/2017 ўқув йилида олий таълим муассасаларига АЛ ва КҲК битирувчиларидан тушган аризалар ҳақида  
МАЪЛУМОТ**

сана “ \_\_\_ ” \_\_\_\_\_ 2016 й.

№	Олий таълим муассасаси номи	Умумий қабул режаси	Жами абитуриентлар	шу жумладан																				
				АЛ ва КҲК битирувчиларидан тушган аризалар		АЛ битирувчиларидан тушган аризалар сони				КҲК битирувчиларидан тушган аризалар сони														
				сони	%	Жами	кундузги		махсус сиртқи		Жами	кундузги		махсус сиртқи										
							сони	% да	сони	% да		сони	% да	сони	% да									

Изоҳ: 6-шакл 20 июлда тақдим этилади.



